



## ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИНГ ЎРНИ

*PhD Камбарова Шахнозахон Мирвохитовна*  
Тошкент давлат шарқшунослик университети  
ORCID: 0009-0006-2819-9842  
[shaxnozakambar@gmail.com](mailto:shaxnozakambar@gmail.com)

*Зокиржоновна Феруза Юлдашевна*  
Тошкент давлат шарқшунослик университети  
ORCID: 0009-0005-6190-1296  
[feruzahon.d@mail.ru](mailto:feruzahon.d@mail.ru)

**Аннотация.** Ушбу мақолада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўрнини таҳлил қилишда мавжуд бўлган муаммолар ва потенциал имкониятлар аниқланган. Шу билан бирга кичик бизнес субъектларини экспорт салоҳиятини иқтисодиёт тармоқлари кесимида, экспорт ва инновация жараёнларини ўзаро мувофиқ холда йўлга қўйиш асосида кенгайтириш ва такомиллаштириш йўллари таклиф қилинган.

**Калит сўзлар:** глобаллашув, рақобатбардошлик, инновация, экспорт салоҳияти, лизинг, франчайзинг, тадбиркорлик.

## РОЛЬ ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В ПОВЫШЕНИИ ЭКСПОРТНОГО ПОТЕНЦИАЛА МАЛОГО БИЗНЕСА И ЧАСТНЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ УЗБЕКИСТАНА

*PhD Камбарова Шахнозахон Мирвохитовна*  
Ташкентский государственный университет Востоковедения  
*Зокиржоновна Феруза Юлдашевна*  
Ташкентский государственный университет востоковедения

**Аннотация.** В данной статье определяются проблемы и потенциальные возможности анализа малого бизнеса и частного предпринимательства. При этом были предложены пути расширения и повышения экспортного потенциала субъектов малого предпринимательства в секторе экономики, основанные на налаживании экспортных и инновационных процессов на взаимосовместимой основе.

**Ключевые слова:** глобализация, конкурентоспособность, инновации, экспортный потенциал, лизинг, франчайзинг, предпринимательство.

## THE ROLE OF INNOVATION ACTIVITY IN INCREASING THE EXPORT POTENTIAL OF SMALL BUSINESSES AND PRIVATE ENTERPRISES IN UZBEKISTAN

*PhD Kamborova Shakhnozahon Mirvokhitovna*  
Tashkent State University of Oriental Studies  
*Zokirzhonova Feruza Yuldashevna*  
Tashkent State University of Oriental Studies

**Annotation.** This article identifies the problems and potential opportunities for analyzing small businesses and private entrepreneurship. At the same time, ways to expand and increase the export potential of small businesses in the economic sector were proposed, based on establishing export and innovation processes on a mutually compatible basis.

**Keywords:** globalization, competitiveness, innovation, export potential, leasing, franchising, entrepreneurship.

### **Кириш.**

Мамлакатимизда инновацион тадбиркорликни оммалаштириш ишларини самарали ташкил этиш жараёни тизимлаштирилган. Инновацион маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқишга ва илгари суришга жалб қилишда техник ва психологик тўсиқларнинг мавжудлиги эътироф этилган бўлиб, бу борада мавжуд муаммоларни бартараф этиш жараёнига устуворлик берилади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг глобаллашуви ва бозор муносабатларини такомиллаштиришнинг амалдаги босқичи, экспорт салоҳиятига боғлиқдир. Миллий иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини ошириш ва инновацион ривожланиш омилларидан самарали фойдаланиш тизимини оптималлаштириш орқали, иқтисодий ислохотлар самарадорлигининг ортиши, ишлаб чиқариш субъектларининг бозор фаолиятини мувофиқлаштириш жараёнларига устуворлик беришимиз лозим.

Бу борада, “мамлакатимиз иқтисодиётининг экспорт салоҳиятини оширишда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти муҳим роль ўйнайди ва бу соҳада уларни ташқи бозорларга бемалол чиқа олишлари учун ҳамда ўз маҳсулотларини экспорт қила олишлари учун имконият яратиш, бугунги кунда иқтисодиётимиз олдидаги муҳим вазифаси эканлигини” Президентимиз Ш.М.Мирзиёев айтиб ўтган эдилар.

### **Адабиётлар шарҳи.**

Хориж олимларидан Емелянованинг (2006) фикрига кўра: “кичик бизнес корхоналарини қўллаб-қувватлаш асосида йирик халқаро кўргазмалар ва ишбилармонлик миссиясини ташкиллаштириш, йирик ва кичик бизнес фаолияти ўртасида ҳамкорлик ўрнатиш, маслаҳат ва ахборот марказларини ташкил қилиш ва ҳ.к” - фикрларини ўрганиб чиқилди. Ўзбекистон олимларидан и.ф.н. Содиқованинг (2008) “Кичик тадбиркорликни – бозор хўжалигининг муҳим таркибий қисми ва оммавий субъект базаси ҳисобланиб, у ўзига хос бўлган рақобат механизмнинг ажралмас қисми ҳамдир.

Шу билан бир қаторда Аюпов, Балтабаева (2012) олимлари ўз асарларида “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолият соҳасида иштирок этиши, уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш, минтақа ва жаҳон бозорларига чиқишини кенгайтириш муаммосини ҳал этишга жиддий аҳамият қаратиш лозимлигини кўрсатиб ўтган”.

### **Тадқиқот методологияси.**

Тадқиқот ишида тизимли таҳлил, мантиқий фикрлаш, иқтисодий-статистик умумлаштириш, таҳлил ва синтез, кичик бизнес ва тадбиркорлик билан шуғулланувчи олимларнинг қарашлари ўрганилди, шу билан бирга соҳадаги муаммолар ва уларнинг ечимлари бўйича изланишлари ҳамда соҳага доир қонуний ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ўрганилиб, хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди.

### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январ ПФ-60 сонли фармонларига кўра, республиканинг экспорт салоҳиятини ошириш орқали 2026 йилда “Республика экспорт ҳажмларини 30 млрд. АҚШ долларига етказиш ва хусусий секторнинг экспортдаги улушини 60 % га етказиш, экспортчи корхоналар фаолиятини, мавжуд имкониятларини тўлиқ ишга солган ҳолда республика экспорт салоҳиятини ривожлантириш” (Фармон, 2022) назарда тутилган. Буларга сабаб қилиб ушбу жараёнда бир қатор камчиликлар мавжудлигини кўрсатиб ўтиш лозимдир:

- Ишбилармонлик ва инновация муҳитининг бугунги ҳолати, қисқа муддатларда кичик бизнеснинг инновацион фаолиятини юқори даражасига эришиш учун имкон бермаётганлиги;
- Кичик бизнеснинг экспорт салоҳиятини оширишда, инновацион лойиҳаларни етарли даражада ишлаб чиқаришга жорий этилмаганлиги;
- Кичик корхоналар учун янги технологияларни жорий этишда, юзага келадиган рискларни бажариш тажрибасини етарли эмаслиги;
- Кичик бизнес субъектлари томонидан инновацион лойиҳаларни жорий қилишларида ўз ресурсларини таклиф қилувчи молиявий ва инвестиция институтлари бозорини мавжуд эмаслиги.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг потенциал имкониятлари ва унинг мавжуд шарт-шароитларидан максимал фойдаланиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, республика иқтисодиётида ушбу фаолият йўналишларига алоҳида устуворлик берилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш жараёнларига берилаётган юқори даражадаги эътибор, мазкур фаолият турининг иқтисодий фаолият соҳаларидаги улушини ортиб боришига ижобий таъсир кўрсатмоқда, масалан ишбилармонликда инновация жараёни.


“Инновация бу келажак дегани. Бу буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак”, деб таъкидлаганлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикасининг “2022-2026 йилга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” да ҳам тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш “Хусусий секторни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш” борасида устувор вазифа сифатида белгилаб берилган тараққиёт стратегияси режалаштирилган. Республикада 2022-2026 йилларда тадбиркорлик фаолиятида ЯИМдаги улуши 80 % ва экспортдаги улушини 60 % чиқариш назарда тутилган” (Фармон, 2022). Ўзбекистон Республикаси статистика агентлиги томонидан берилган маълумотларга кўра, ЯИМ да кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улуши 2022 йилда Ўзбекистон Республикасида 51,6 % ташкил қилган, товар ва хизматлар улуши 29,6 % ни ташкил қилиб, 2021 йилга нисбатан 1,04 баробарга ошган.

Бугунги кунда республикада ялпи ички маҳсулотнинг 52,5 фоиздан кўпроғи кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётганига қарамай, юқори технологик жараёнларни талаб этадиган саноат тармоғидаги(19,6 %) ва экспортдаги (13,4 %) улуши кичик бизнеснинг мавжуд салоҳияти даражасида эмас. Мазкур соҳа ва тармоқларда кичик бизнес тараққиётини таъминлаш, умуман, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини барқарор ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири сифатида инновацион жараёнларни фаоллаштириш, айниқса, кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини рағбатлантириш юқори самара беради.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг тармоқлардаги улушини кўйидаги расм орқали кўришимиз мумкин. Унга кўра 2022-2023 йиллар оралиғида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг қурилиш, хизматлар, саноат, инвестиция ва экспорт бўйича фоиздаги рақамлари кўрсатиб берилган. Қурилиш тармоқларида 2022-2023 йиллар оралиғида юқори даражадаги фаолиятни, яъни 98,2-98,4 % ларни кўрсатган бўлса, саноат тармоқларида бу энг паст натижа, яъни 21-33,3 % ларни ўз ичига олади. Яна шунга эътибор беришимиз керакки, кичик бизнес корхоналарида экспорт улуши ҳам жуда паст, яъни 37,8-35,6 % гача натижада эканлигини кўришимиз мумкин бўлади.

Ушбу расм маълумотларидан аниқ бўлдики, ҳозирги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт соҳасидаги улушини янада ошириш ва ривожлантириш лозимлиги кўриниб турибди.



### 1-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодиёт тармоқларидаги улуши (умумий ҳажмига нисбатан % да)

**Манба:** кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик. Интернет маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилган. [file:///C:/Users/ACER/Downloads/kichik%20biznes%20va%20xususiy%20tadbikorlik%20%20\(1\).pdf](file:///C:/Users/ACER/Downloads/kichik%20biznes%20va%20xususiy%20tadbikorlik%20%20(1).pdf).

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида банд бўлган аҳоли сони 10131 мингтани ташкил қилиб, рўйхатдан ўтган кичик бизнес ва микрофирмалар сони 555971 киши, фаолият кўрсатаётганлар сони эса 523556 кишини ташкил қилади.


Кичик бизнес ва тадбиркорлар томонидан жорий қилинган инновациялар сони 2022 йилда Ўзбекистон Республикаси бўйича 1635 бирликни ташкил қилди, кичик корхоналар ва микрофирмалар томонидан ишлаб чиқарилган инновациялар, товарлар, ишлар ва хизматлар ҳажми 2022 йилда 11470 млрд. сўмни ташкил этди (Статистик маълумот, 2023).

Сўнгги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 6 июл 2022 йил №УП-165 фармони, “Ўзбекистон Республикаси 2022-2026 йилларга мўлжалланган Инновацион ривожланиш стратегияси” фармони тасдиқланган ва унинг асосида юқорида кўрсатилган вазифаларга қўшимча қилиб, 2022-2026 йилларда илмий изланиш ташкилотлари қошида инновация фаолияти билан шуғулланувчи мутахассислар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятида янги инновацион корхоналар яратиш асосида чет эл тажрибасини киритишимиз мумкин. Хориж тажрибасини ўрганиб, унинг асосида Ўзбекистон шароитига мослаб изланишлар олиб борилди ва ушбу изланишлар мақсадга мувофиқ бўлди десак бўлади (Фармон, 2022).

Муаллифлар томонидан ўрганилган ва келтирилган хорижий тажрибаларида, кичик бизнес корхоналари экспортининг асосини технологиялар савдоси ташкил этади, жумладан АҚШда сотилган лицензияларнинг 50 % кичик корхоналарга тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида, кичик бизнес корхоналарида илмий тадқиқотларининг янги натижаларидан самарали фойдаланиш бўйича кенг қамровли илмий изланишлар олиб боришни тақозо қилади.

Шу билан бирга мамлакатимизда инновацияларни жорий этган корхоналар сони йилдан-йилга ўсиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, 2010 йилда бундай корхоналарнинг сони 156 та бўлган бўлса, 2019 йилга келиб, 3753 тага етган. Пандемиягача бўлган вақт ичида инновация билан шуғулланган корхоналар сони кўпайиб борган, 2021 йилда эса, 2974 га тушиб кетган.



**2-расм. Ўзбекистонда инновация кўрсаткичлари динамикаси (инновациялар бажарган корхона ва ташкилотлар сони), бирлик**

Кўрсаткичлар таҳлили шуни кўрсатдики, кичик корхоналар сони билан жорий этилган инновацияларнинг сони деярли тенг, бу ўртача битта корхона йил давомида битта инновацияни амалга оширганлигини билдиради. Жорий қилинган инновациялар сони пасайишининг асосий сабаби, 2021 йилдаги глобал пандемия таъсирида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик натижалари ҳам пасайиб кетганлигидан далолатдир (Статистик тўплам, 2023).

Инновацияларга харажатларни молиялаштириш манбалари таркибида энг катта салмоқ корхонанинг ўз маблағларига (2021 йилда 73,8 %), тижорат банкларининг кредитларига (14,3 %) тўғри келган (Статистик тўплам, 2023).

Мамлакат экспорт салоҳиятини оширишда саноатни инновацион ривожлантириш, аввало юксак технологиялар тармоқларни ривожлантириш зарур. Анъанавий тарзда юқори технологик тармоқлар деб шундай тармоқларга айтиладики, тармоқ маҳсулоти бўйича илм-фанга йўналтирилган харажатлар улуши камида 4,5-5 фоизни, юқори илмталаб тармоқларда эса 10 % дан ортиқни ташкил этади.

Ҳозирги кунда кичик бизнес соҳасида юқори технологик маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши ортишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2010-2022 йилларда Технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларга қилинган харажатлар тез суръатларда ўсиб бормоқда. Буни 1-жадвал орқали кўришимиз мумкин (Статистик тўплам, 2023).

**1-жадвал**

**Молиялаштириш манбалари бўйича кичик корхона ва микрофирмалар томонидан технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларга қилинган харажатлар (млрд. сум)**

Кўрсаткичлар	2019	2020	2021	2022	+/- ўзгариши
Ўзбекистон Республикаси	1939,9	1041,6	1189,4	2006,1	66.2
Шу жумладан, корхоналарнинг ўз маблағлари	1077,6	716,2	878,0	1246,6	169
Чет эл инвестициялари	191,2	79,3	97,9	151,9	-39.3
Тижорат банкларининг кредитлари	596,4	171,2	170,2	554,0	-42.4
Бошқа маблағлар	74,7	74,9	43,3	53,6	-21.1


*Манба: Stat.uz интернет маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилган.*

Кичик тузилмалар, биринчи навбатда, ҳали ҳеч бир фирма бозор улушига эга бўлиш учун зарур бўлган кўникмалар ва ресурсларни ривожлантирмаган янги sanoat тармоқлари учун хосдир. Шунингдек, кичик бизнес инновация фаолиятини фаоллаштириш асосида унинг рақобатбардошлиги таъминланади.

Бу жараён Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 майдаги “Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш тўғрисида”ги ПҚ-3697 сонли қарорида атрофлича акс этган бўлиб, мамлакатимизда инновацион тадбиркорликни оммалаштириш ишларини самарали ташкил этиш жараёни тизимлаштирилган. Инновацион маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқишга ва илгари суришга жалб қилишда техник ва психологик тўсиқларнинг мавжудлиги эътироф этилган бўлиб, бу борада мавжуд муаммоларни бартараф этиш жараёнига устуворлик берилади (Қарор, 2018).

Кичик фирма маҳсулотнинг кенг ассортиментини ишлаб чиқариш шароитида бир қатор афзалликларга эга бўлиб, улар алоҳида истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиш заруратига мос келади, бу эса кичик партияларни ишлаб чиқаришда, ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасидаги яқин алоқаларни талаб қилади.

Кичик корхоналар, шунингдек, риск даражаси юқори бўлган фаолиятнинг барча соҳаларида, масалан, савдоси беқарор бўлган тармоқларда устунлик қилади. Кафолатланган барқарор сотиш бўлмаса, ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли тебранишларга дучор бўлади, бу эса капитални кўп талаб қиладиган йирик тармоқларни яратишга ва уларнинг режали ишлашига тўсқинлик қилади. Савдо ҳажми кенг миқёсда ўзгариб турса, йирик ишлаб чиқариш қувватларига эга компания, ҳатто тўлиқ қувватда ишлаб чиқариш юқори самарадорликка эга бўлса ҳам, кичикроқ ва мослашувчан фирмалардан устунликка эга эмас. Кичик ярим ихтисослашган ишлаб чиқариш ёки савдо фирмалари ишлаб чиқариш даражаси бўлганда ҳам, уларнинг операцион харажатлари юқори бўлса ҳам, тебранишларга тезроқ мослаша олади (Қарор, 2018).



3-расм. Ўзбекистонда миллий инновацион тизим ва инновацион фаолиятни молиялаштириш манбалари

Таҳлиллар натижасида бизнинг фикримизча, кичик бизнес рақобатбардошлиги кенг қўламли ички ва ташқи омилларнинг узлуксиз таъсири остида шаклланади. Ички омиллар корхонанинг ўзига боғлиқ бўлиб, унинг рақобатбардошлигини сақлаб қолиш ва мустақкамлаш қобилиятини ифодалайди, жумладан:

- ташкилий тузилманинг самарадорлиги ва корхонани бошқариш сифати;
- кадрлар салоҳияти ва ходимларнинг малакаси;
- ташкилотнинг молиявий ҳолати, молиявий захираларининг мавжудлиги, инвестициялар ва қарз маблағларини жалб қилиш имкониятлари;
- маҳсулот ва хизматларнинг сифати, нархи ва ўзига хослиги;

Бу кейинги йилларда соҳа вакиллари томонидан инновацияга бўлган эътиборнинг кучайиб бораётганлигидан дарак беради.

Технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларга қилинган харажатларнинг йилдан-йилга ўсиши кузатилса, мазкур харажатларнинг асосий манбалари бўйича солиштирма салмоғи шуни кўрсатадики, энг аввало, инновацияларга харажатлар корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилмоқда (Камбарова, 2023).

### Хулоса ва таклифлар.

- Инновацион ишлаб чиқариш ўз тавсифига кўра юқори риск даражасини намоён этади. Шунга кўра, бундай тавсифдаги ишлаб чиқаришни молиялаштиришга хар қандай инвестор ҳам ижобий ёндашмайди.

- Кичик бизнес корхоналарида амалга оширилаётган инновацион ишлаб чиқаришнинг аҳамияти улар фаолият қўламига боғлиқ равишда у қадар катта бўлмаслиги ва бунинг натижасида лойиҳа сифатида йирик инвесторларни ўзига жалб этмаслиги мумкин.

- Жорий этилаётган инновациялар олинадиган молиявий натижани тўлиқ ўзлаштиришга интилишни ҳосил қилиши мумкин.

Кичик бизнес корхоналари томонидан технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларга қилинган харажатларнинг тижорат банк кредитлари орқали молиялаштириш улушининг ошиб бораётганлигини ҳам кузатиш мумкин. Бу бир томондан, умумий тарзда тижорат банкларининг кичик бизнес субъектлари фаолиятини кредитлашга эътиборни кучайтираётганлиги билан изоҳланса, бошқа томондан инновацион жараёнларни қўллаб-қувватлаш, тижорат банклари кредит сиёсатининг алоҳида йўналишларидан бирига айланиб бораётганлигини кўрсатади.

Ҳозирда мамлакатимизда инновацион фаолиятни ривожлантиришда кичик бизнес имкониятларидан фойдаланиш, ҳудудлардаги иқтисодий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бирига айланган. Булар эса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни потенциал имконияти сифатида экспорт салоҳиятини оширишга ёрдам беради.

### Адабиётлар/Литература/Reference:

Болтабоев М.Р., Қосимова М.С. (2012) *Кичик бизнес ва тадбиркорлик*. –Т.:

Емельянова Е.Л. (2006) *Малый бизнес в экономике самарских муниципалитетов* [http://businesspress.ru/newspaper/article\\_mId\\_3\\_aId\\_382766.html](http://businesspress.ru/newspaper/article_mId_3_aId_382766.html) nomer 21 (541) ot 07.06.2006

Камбарова Ш.М. (2023) *Ўзбекистонда инновация жараёнлари ривожланиши шароитида кичик бизнеснинг экспорт салоҳиятини ошириш*. Монография, Т.: 144 б.

Қарор (2018) *Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш тўғрисида”ги 2018 йил 5 майдаги ПҚ-3697 сонли қарори* <https://lex.uz/docs/3723272>

Содиқова Р.А. (2008) *и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Ўзбекистон иқтисодиётини модернизатсия қилиш шароитида кичик бизнесда рақобат муҳитини шакллантириш*. –Т.:

Статистик тўплам (2023) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги. Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик. –Тошкент, 22, 188, 189 бетлар.

Статистик тўплам (2023) Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик. Статистик тўплам 2023 йил 187 бет. [www.stat.uz](http://www.stat.uz).

Фармон (2022) Ўзбекистон Республикаси Президентининг №ПФ -165 фармони 2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида 06.07.2022 й. <https://lex.uz/docs/6102462>.

Фармон (2022) Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида 2022 йил 28 январь, ПФ-60-сон <https://lex.uz/docs/5841063>.